

**Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан
жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА**

Гулистон ш.

13-сон

2022 йил "08" январь

Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи А.Б.Хўжамуротов (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси хузуридаги иктисолий жиноятларга карши курашини департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси номидан конун асосида фаолият юритувчи бошқарма бонлиги Н.А.Мўминов (кейинги ўринларда «Буортмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "Гомонлар" деб юритилади. мазкур Шартномани қўйидагилар хакида туздилар:

I БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТ

1. Ижрочи Миллӣ гвардия қўриқлаш хизмати, сокчилик қўриқлаши кўрининида буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилиган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. Буортмачи Гулистон шаҳар А.Навоий кўчаси 36-йда жойланган Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси хузуридаги иктисолий жиноятларга карши курашини департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси биносини (кейинги ўринларда "объект" деб юритилади) қўргини ташкил этиш учун хафтала дам олиш кунисиз **1 та 24 соатлик** (соат 09:00дан 09:00гача) Миллӣ гвардия қўриқлаш хизмати саф бўлинмаси пости орқали қўриқлашинга (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочинга тошириди. Ижрочи кабул килади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойласпуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буортмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномага мувофик амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килиниб унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланни ва таъмирланиши Буортмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар буидан мустасно. Объектни ёнгандан қўриқлаш ва ташвии сигнализацияси билан жиҳозланни чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буортмачи билан келишилган ҳолда хизмат итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган қундан бошлаб, объект 30 иш куни ичидаги Миллӣ гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга кўйилади. Объектда сокчилик қўриқлаш тури объектга 30 иш куни ичидаги йўлга кўйилади.

8. Буортмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилиган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган Ижрочи эса чакириб одинади.

III БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

9. Мазкур Шартнома асосида қўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қўйидагича хисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига **42561920** (кирк икки миллион беш юз олтминш бир минг тўккиз юз йигирма) сўм, З ойга **127685760** (бир юз йигирма етти миллион олти юз саксон беш минг етти юз олтмиш) сўм;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофик унбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган холларда кайта кўриб чикилади.

11. Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома ҳамда хисоб-фактурани ойининг 15-санасига тақдим килади. Буюртмачи Ижрочига ойлик тўловларни ҳар ойният 20-санасигача хисоб-ракамига ўтказиб беради.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманини 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцентсиз тўлов талабномасини тақдим килишга хақлидир.

Мазкур Шартнома бекор килинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича кайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб килиши;

Хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф килиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижроидан талаб килиши;

Ижрочининг хизматни ташкил килиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат килиши;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили интироқида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақсирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб килиши;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганини патижасида етказилган заарни ундириши.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажralmas қисми хисобланган кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамланиш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларро алоқа, ички ва шахар телефонлари, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турикет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларининг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгин учирувчи воситалар ва бошқалар) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмирлаш;

Ҳар кандай моддий кимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсигидан 5 метр узокликда (объект жойлашувини хисобга олган холда) жойлантириши;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказини, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор килиши муддати ва тартибини қўрсатган холда Томонларнинг вакиллари интироқида далолатнома тузиш;

Белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегисли ҳолатини таъминлантиш;

Бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни кайта жихозлантиш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириши, моддий кимматликларни

саклаш жойини ўзгартириш ёки яигиларини очиш, объект ёки унинг бир кисемини бошка шахсларга ижарага берин ёки мулк хукукини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хакида Ижрочини бундай ишларининг бошланишидан камидан 7 кун олдин огохлантириш;

Объектда иш куни якунида кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги холатида бу ҳакда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклашга тошириши. Объектни кўриклашга тоширганилик хакида ТҚПни хабардор килиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўрикланига кабул килинганилиги хакида ишонч ҳосил килиш;

Объектни, ёнгидан кўриклаш сигнализацияси билан жихозланган хар бир алохida хонани кундалик кўриклашга тошириши, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тениклари ёнилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириши, кўрикланадиган биноларда электр жихозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишенинг олдини олиш ва бегона шахсларининг объектда қолишига йўл қўймаслик;

Кўрикланаётган худудда бинодан ташкарила жойланган моддий кимматликларининг миқтори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган холатда кайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиши-тошириши журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриклашга тошириши;

Махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйини йўли билан объектларни, алохida хоналарни кўрикланига тошириши, кўриклаш тугагандан сўнг кўрикланадан чиқарин;

Кўрикланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги хакида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили стиб келгунига кадар кўреатилган жойларининг дахлесизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини оникор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаринишига оид кисми билан таништириши;

15. Ижрочининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилини;

Мазкур Шартномани тузини, бажарини, ўзгартириши ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка хужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўреатилган кўрикланиш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар берин;

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (натрул йўналишига) мувофик кўрикланиш нарядини жорий этиши;

Мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофик объектни ҳамда кўрикланиша тоширилишган моддий кимматликларни кўрикланиши ташкил этиши ва таъминлаш;

Кўрикланаётган худуддаги, лекин бинодан ташкарила жойланган моддий кимматликларининг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган холатини текшириб, кайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиши-тошириши журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

Объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиши, объект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиши;

Пропуск режими мавжуд бўлган обьектларда кун давомида назоратдан ўтказини пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетинини таъминлаши;

Объектни кўриклари вактида жойдаги ёнгин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаши;

Объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриклари сигнализациясининг ишлаб кетини ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар берин;

Объектга бегона шахсларнинг кириб кетганини аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва обьектнинг дахлесизлигини таъминлаши;

Ёнгиндан кўриклари сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетини сабабларини аниқлаши ва обьектни кайта тошириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириши натижалари ва обьектни кайта тошириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиши;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил килиш ва амалга ошириш, кўриклари турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош амжомлари (экипировкаси), курол-аслахаларининг мавжудлигини таъминлаши;

Объектни кўрикланига қабул қилганда ва тоширгандан обьектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўрикларнинг техник воситалари билан боғлик аниқланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиши;

Буюртмачи билан биргаликда хар чоракда камида бир марта обьектнинг техникавий жиҳатдан мустахкамлигини, кўрикларнинг техник воситалари билан таъминланishiни, жумладан ёнгиндан кўриклари сигнализациясини текшириш кўртигини ўтказини. Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу хақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари интироқида икки нусхада далолатнома тузиши;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг хар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари интироқида икки нусхада далолатнома тузиши ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегинли чоралар кўриш учун берин;

Кўрикланаётган хоналар бузилганилиги ёки мулкка етказилган заарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар берин, ички ишлар органи вакили етиб келгунiga қадар ходиса юз берган жойнинг дахлесизлигини таъминланни.

5-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўламаганилиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиқтирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи мисдорида, аммо кечиқтирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган мисдорда пения тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи мисдорда пения тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пенини тўлап Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган заарни конланидан озод ўтмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганилиги натижасида Буюртмачига етказилган заарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заарар етказилганилиги аниқланган холларда заарар тўлиқ мисдорда конланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зааранинг мисдорини аниқлаши учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилини мумкин. Бунда, заарар мисдори тегинли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган таклирда заарар мисдори суднинг карори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни конламайды:

Ижрочи шартномада күрсатилған мажбуриятларни тұлғык бажарған бўлинига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной харакатлари натижасида етказилған бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланас;

Қабул килиши-тоинириш журналида кайд өтилмаган муликка заар етказилганды;

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганды.

23. Мазкур Шартномада күрсатилған мажбуриятларни лозим даражада бажармаганик учун белгиланған неустойка (жарима, пеня) тўлани ҳамда заарни конлан Томонларни Шартномада күрсатилған мажбуриятларини бажарипдан озод этмайды.

6-боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

24. Мазкур шартномани тузини, бажариши, ўзгартириши ва бекор килиши вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилған заарни конлан тўгрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланған тартибда иктисолий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. ФОРС-МАЖОР

25. Томонлар уибу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тұлғык бажарилмаганилиги учун, агар уибу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин найдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганилиги ва тамом бўлганилиги тўгрисида иккى кун ичидаги ёзма шаклда хабардор килини шарт. Уибу муддат ичидаги ҳабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганилиги учун жавобгарликдан озод килини асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тоинилари, ер кимиirlashi ва бошка табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портландар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал килган даврга мутаносиб равинида кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килингача ҳақли.

8-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

28. Мазкур Шартнома имзоланған кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари олувчилари билан тузилгандаги газиачилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартириши ва кўшиимчалар ёзма шаклда тузилгандаги ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланған тақдирла ҳакикийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириши ёки бюджет килиши ҳакидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўтгиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириши ёки бюджет килиши тўгрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Шартноманинг амал килиши муддати куйидагича белгиланади:

Хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланған кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тұлғык бажаргунига кадар:

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчилари бўйича — белгиланған тартибда газиачилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилған кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлған тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бюджет килиши ҳакида Ижрочига Шартнома муддати туганидан 30 кун олдин

мъзум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмиrlашини тараб килса, бироқ Буюртмачи буни рад ўтса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма мъзум қилган холда алоҳида объектларни қўриқсанни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилиган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равинида огохлантирган холда бир томонлама бекор килингага хакли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равинида огохлантирган холда бир томонлама бекор килингага хакли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равинида мъзум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофик ҳуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритинлари мумкин.

IX-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси
Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Гулистан шахри
Бирлашган кўчаси 47-үй

Банк реквизитлари: Марказий банк
Гулистан шахар XKKM

ХР: 21596000900193586001

МФО: 00023

СТИР: 200322883

ИФУТ: 80200

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси бош
прокуратураси ҳузуридаги иктисадий
жиноятларга карши қурашини
департаментининг Сирдарё вилоят
бошқармаси

Юридик манзили: Гулистан шахар
А.Навоий кўчаси 36-үй

СТИР: 203267214

ШХР: *1000108602440170360000*

Сирдарё вилояти бўйича Газначилик
бошқармаси

Банк реквизитлари: Марказий банк
XKKM Тошкент ш. ББ

ХР: 23402000300100001010

МФО: 00014 **СТИР:** 201122919

ИФУТ:


Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси
Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бонлиги полковник

А.Б.Хўжамуротов
муҳиммий

Ўзбекистон Республикаси бош
прокуратураси ҳузуридаги иктисадий
жиноятларга карши қурашини
департаментининг Сирдарё вилоят
бошқармаси бонлиги

Н.А.Мўминов

Қўриқлаш бошқармаси Юридик турухи
бош юристконсультант подполковник



А.Т.Абдушукоров

“ТАСДИКЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси Уйлий гвардияси Кўриклаш бошқармаси Сирдарё вилоятি Кўриклаш бошқармаси бошлиги бўйича

А.Б.Хўжамуродов

2022 йил

“РОЗИМАН”

Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси хузуридаги иктисадий жиноятларга қарши курашин департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиги

Н.А.Мўминов

2022 йил



Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси хузуридаги иктисадий жиноятларга қарши курашин департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси Гулистон шахарлараро Кўриклаш бўйими саф бўлинмаси томонидан кўриклаш бўйича

2022 йил 01 январдан ХИСОБ – СМЕТАСИ

№	Объект номи	Манзили, телефон раками	Кўриклаш тури	Кўриклаш соати				куриклаш вакти	01.01.2022 дан 31.03.2022 гача куриклаш соати	Кўриклаш нарихи		
				ини вакти	Хафтада 5 иш куни душинба- жума	Дам олии шанба куни	Дам олии якшанба куни			1 соатта (сўм)	3 ойга (сўм)	уртacha бир ойига (сўм)
1	Ўз.Р. БПХ ИЖҚҚ Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси биноси	Гулистон шахар А.Навоий кўчаси 36-үй	саф бўлинмаси	09-00дан 09-00гача	24 соат	24 соат	24 соат	01.01.2022 дан 31.03.2022 гача	2190	58304	127 685 760	42 561 920
	Жами:								2 190		127 685 760	42 561 920

1 ойлик тўлов суммаси:- 42561920 (кирк икки милион беш юз олтиши бир мине тўккиз юз йисирма) сўм

3 ойлик тўлов суммаси:- 127685760 (бир юз йисирма етти милион олти юз саксон беш мине етти юз олтиши) сўм

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувоғиқ ойлик маоштар оша, хисоб-жадва қайтадан хисобланади.

Бошқарма МИБ бош бухгалтери

Н.И.Мавлонов

лейтенант

Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси
хузуридаги ИЖҚҚ Департаментининг Сирдарё
вилоят бошқармаси бош хисобчиси